

## ПАЧКАМАР СУВ ОМБОРИНИНГ ИХТИОФАУНАСИ ФАЙЗУЛЛАЕВА МОҲИНА БЕРДИМУРОТ ҚИЗИ

ЎзМУ Биология факультети 5A140103- Ихтиология ва гидробиология мутахассислиги 2 –  
курс магистранти Тел: (+99891) 133 71 18;

Пачкамар сув омборининг балиқларини фаунасини ўрганиш бўйича материалларни 2017 йил март ойидан бошлаб йиғила бошланди. Материалларни сув омборининг барча қисмидан, 3 та станцияга бўлинган ҳолда олиб борилди. Балиқларни ушлаш жойлари нисбатан ҳам бир хил бўлиб, фақат сувнинг сатҳини ўзгаришига қараб биров ўзгартириб турилди.

Балиқларни ушлаш учун 7 чи номерли, баландлиги 1,2 ва катталиги 10 метр бўлган майда кўзли капрон тўрдан фойдаландик. Илмий тадқот ишимиз давомида 50 дан ортик балиқ ушлаш жараёни ўтказилди. Ов давомида ушлаш майдони, ушлаш шароити (чуқурлик, сув тубининг кўриниши, ўт билан қопланганлик даражаси ва бошқалар), ҳавонинг ва сувни ҳарорати, ушлаш вақти ва шамолнинг йўналиши каби барча ташқи муҳит омиллари ўлчаб борилди.

Ушланган балиқларининг турлар таркиби аниқланиб, вазни ва миқдори узлуксиз ўлчаб борилди. Катта ҳажмдаги ушланган балиқларнинг ярми, тўртдан бири ва саккиздан бири ажратиб олинди ва барча ҳисоблар ушланган балиқларнинг ҳаммасига қайта ҳисоблаб ўртачаси чиқарилди. Кичик ҳажмдаги ов натижаларининг эса ҳаммаси тўлиқ ўлчаниб борилди. Чавоқларнинг майда ёшдаги гуруҳлари 4% ли формалинда фиксация қилиниб борилди, йирик гуруҳларидаги экземплярларда эса барча ўлчовлар ўтқазилиб бўлгач ушланган жойнинг ўзида қўйиб юборилди.

Йирик чавоқлар гуруҳларини ажратиб олиш мақсадида ҳар хил катталикдаги ячейкали (18, 28, 30, 36, 42, 45, 50 ва 65 мм ) тўрлардан фойдаланилди. Чавоқларни йиғиш ва қайта ишлов бериш жараёнлари И.Ф. Правдин (1966) услуби бўйича амалга оширилди.

Тадқиқотларимиз натижасида Пачкамар сув омборида жаъми 22 та турга мансуб балиқлар учрашлиги аниқланди. Аниқланган турлардан кўп учрайдиган турларининг биологик хусусиятлари ўрганилди.

### Пачкамар сув омборининг балиқлари рўйхати (1–жадвал).

| №  | Балиқ турлари   | Овлана-<br>диган | Овлан-<br>майдиган | Абори-<br>ген | Иқлимлаш-<br>тирилган |
|----|---|------------------|--------------------|---------------|-----------------------|
| 1  | Зоғорабалиқ- <i>Cyprinus carpio</i>                   | +                |                    | +             |                       |
| 2  | Судак- <i>Stizostedion lucioperca</i>                 | +                |                    |               | +                     |
| 3  | Самарқанд храмуляси- <i>Varicorhinus capoeta</i>      | +                |                    | +             |                       |
| 4  | Лакқа- <i>Siluris glanis</i>                          | +                |                    | +             |                       |
| 5  | Чўртансифат оққайроқ- <i>Aspiolucius esocinus</i>     | +                |                    |               |                       |
| 6  | Оқ амур- <i>Stenopharyngodon idella</i>               | +                |                    |               | +                     |
| 7  | Қиррақорин- <i>Hemiculter leucisculus</i>             |                  | +                  |               |                       |
| 8  | Туркистон қум балиғи- <i>Gobio gobio lepidolaemus</i> |                  | +                  |               |                       |
| 9  | Оқ дўнгпешона- <i>Hypophthalmichthys molitrix</i>     | +                |                    |               | +                     |
| 10 | Қизилкўз (плотва)- <i>Rutilus rutilus</i>             | +                |                    | +             |                       |

|    |   |   |   |   |   |
|----|---|---|---|---|---|
| 11 | Товонбалиқ (карас)-<br><i>Carassius auratus gibelio</i>         | + |   |   | + |
| 12 | Шарқий лещ- <i>Abramis<br/>brama orientalis</i>                 | + |   | + |   |
| 13 | Илонбош- <i>Channa argus<br/>warpachowski</i>                   | + |   |   | + |
| 14 | Орол шемеяси-<br><i>Chalcalburnus chalcoides<br/>aralensi</i>   | + |   | + |   |
| 15 | Қилич балиқ (чехон)-<br><i>Pelecus cultratus</i>                | + |   | + |   |
| 16 | Зарафшон елечи-<br><i>Leuciscus lehmani</i>                     | + |   | + |   |
| 17 | Остролучка-<br><i>Caroetobrama<br/>kuschakewitschi</i>          |   | + | + |   |
| 18 | Оддий қорабалиқ-<br><i>Schizothorax intermedius</i>             |   | + | + |   |
| 19 | Голец- <i>Noemacheilus<br/>dorsalis</i>                         |   | + | + |   |
| 20 | Қизил қанотли балиқ.-<br><i>Scardinius<br/>erythrophthalmus</i> |   | + |   | + |
| 21 | Амур чебачеки-<br><i>Pseudorasbora parva</i>                    |   | + |   | + |
| 22 | Гамбузия- <i>Gambusia<br/>affinis holbrook</i>                  |   | + |   | + |
| 23 | Риногобиус- <i>Rhinogobius<br/>sp.</i>                          |   | + |   | + |

Ушланган балиқларнинг яримидан кўпроғини (59 %) Зоғорабалиқ – *Cyprinus carpio* Linne. ташкил этади. Ундан кейинги ўринда, Самарқанд храмуляси – *Varicorhinus heratensis steindachneri* (Kessler), Оқ амур балиғи- *Stenopharyngodon idella*, Қиррақорин балиғи – *Hemiculter leucisculus* Basilewsky., Туркистон кум балиғи- *Gobio gobio lepidolaemus*, ва Чўртансифат окқайроқ – *Aspiolucius esocinus* Kessler. бўлиб, уларнинг умумий ушланган балиқчалар орасидаги салмоғи 31% эгаллаши аниқланди. Энг кам миқдорда эса Қилич балиқ (чехон)- *Pelecus cultratus*, Қизил қанотли балиқ.- *Scardinius erythrophthalmus*, Риногобиус- *Rhinogobius sp.* Қиррақорин- *Hemiculter leucisculus* балиқлари эканлиги кузатилди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Аманов А. Самарқандская хромуля в водохранилищах бассейна реки Сурхандарьи, Узбекский биологическ. журнал, №6, 1962.
2. Игамбердиев В.Р. Основные промысловые рыбы Учкизилского водохранилища. Дисс. канд. наук Ташкент, 1975.
3. Камилов Г.К. Видовой состав рыб водоёмов Узбекистана, Научные труды ТашГУ, в.241, Ташкент, 1964
4. Камилов Г.К. Рыбы и биологические основы рыбохозяйственного освоения водохранилищ Узбекистана. Изд. «Фан». Ташкент, 1973
5. Раимджанов Н. Экология и рыбохозяйственное значение самарқандской храмули в водаёмах Узбекистана, Автореф. канд. дисс. Ташкент, 1974